



УДК: 634:626.8:620.191.37

СУГОРИЛАДИГАН ЕР МАЙДОНЛАРИДА ТОМЧИЛАТИБ СУГОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ АҲАМИЯТИ

Ахунов Акмалжон Акрамович

“BAXODIR LOG’ON TEKSTIL” МЧЖ қўшима корхонаси тасарруфидаги Қува
“Пахтачилик” кластерида бош мутахассис

Эргашев Нодирбек Юлдашалиевич

қ.х.ф.ф.д - ПСУЕАИТИ Фаргона илмий-тажриба станцияси илмий ишлар ва
инновациялар бўйича директор ўринбосари

Аннотация: Ўзбекистон Республикасининг сугорилмайдиган заҳира ер майдонларини сугориладиган майдонларига қўшиш, кам сарф хисобига кўп даромад олиш, ирригация ва мелиорация тизимларини тўғри йўлга қўшиш, энг яхии инновацион сугории усулини таълаш, томчилатиб сугории технологиясини энг юқори даражада республикада жорий қилишини ўрганилган. Томчилатиб сугории технологияси бошқа сугории усуслари ва тизимларига нисбатан унумли ва самарали эканлиги исботланган.

ЗНАЧЕНИЕ ТЕХНОЛОГИИ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ ЗЕМЕЛЬНЫХ ПЛОЩАДЕЙ

Аннотация: Запасные земельные площади включить в число орошаемых, за счёт малых затрат получить большие прибыли, поставить на правильный путь иррагацию и мелиорацию, выбрать самый лучший инновационный способ орошения. В Узбекистане хорошо изучена технология капельного орошения. Доказано преимущество капельного орошения среди других технологий.

SIGNIFICANCE OF DROP IRRIGATING TECHNOLOGY IN IRRIGATED GROUND.

Annotation: It is learned to put into practice drop irrigating technology in Republic, choosing the best innovation irrigating, using correctly of innovation and land reclamations' systems and adding no-irrigating reserve ground to irrigating reserve ground in Republic of Uzbekistan. Drop irrigating technology is confirmed to be more productive and fertile than other irrigating ways and systems.

Таянч сўз ва иборалар: ирригация, мелиорация, инновация, агротехника, агротехник ишлар, сугории усуслари, ернинг балл бонитети, унумдор қатлам, сифат кўрсаткичлари, технология, ер ва сув.

Ключевые слова и выражение: ирригация, мелиорация, инновация, агротехника, агротехнические работы, способы орошения, бонитетный балл, почвы, плодородный пласт, показатель качества технология, почва и вода.

Support phrase and words: irrigation, land-reclamation, innovation, agro-technical words, ways of irrigating, ball bonitete of ground, fertile layer, degrees of quality, technology, water and ground.

Кириш. Ўзбекистон Республикасининг хозирги кундаги жами ер майдони 44797,7 минг гектарни ташкил этади. Бундан, барча қишлоқ хўжалигида фойдалананиладиган ер майдони 23135,8 минг гектар, қишлоқ хўжалик экинлари эгаллаб турган майдон 17346,2 минг гектарни ва шундан 4315,7 минг гектарни сугориладиган ер майдони ташкил қиласди. Юқорида кўрсатиб ўтилган рақамлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиизда сугориладиган ер майдони умумий ер майдонига нисбатан жуда оз гектарни ташкил этади. Бундан ташқари республикамизнинг аксарият сугориладиган ер майдонларида сугориш тўғри ташкилланмаган. Бундан келиб чиқадики, дала майдонларини сугоришни тўғри ташкил зтиш, экин ер майдонини тўғри танлаш, тўғри ва меъёрида агротехник ишларини бажариш, ўғитлаш ишларидан ҳам муҳимроқ саналади. Шу сабабли ушбу илмий мақолада энг самарали сугориш усуулларидан бири томчилатиб сугориш усули хақида, бу усулни бошқа сугориш усуулларидан фарқи тўғрисида тўлиқ тўхталиб ёритиб берилган. Бу сугориш технологияси нафақат боғларни сугоришда балки пахта майдонларини сугоришда ҳам қўл келади. Хозирча бу сугориш усулини боғлар ва пахта майдонлари мисолида кўриб чиқамиз.[4]

Боғларни сугоришда Ўзбекистон шароитида турли усууллардан фойдаланилади. Булар: ёмғирлатиб сугориш, тупроқ остидан сугориш, томчилатиб сугориш ва майда заррали сугориш кабилардир. Бироқ боғ майдонларининг кўп қисми эгатлар бўйлаб сугориш усулидан фойдаланган ҳолда сугорилиб келинмоқда. Эгатлар бўйлаб сугориш усулидан фойдаланилган нам ҳар ерга тарқалиб кетиши оқибатида сув сарфи томчилатиб сугориш усулига қараганда бир неча бор кўп сарф бўлади. Демак биргина сув сарфи омилидан кўриниб турибдики, биз ўз-ўзидан томчилатиб сугориш технологиясини илгари сурәмиз. Бундай усулдан фойдаланилганда табиийки, тупроқ бир текис ва меъёрида намланади ва ўз навбатида ер қатқалоқ бўлмайди. Шуни айтиб ўтиш керакки, бу усууллардан фойдаланишнинг яна бир фойдали тарафлари шундан иборатки, боғ майдонларида бегона ўтлар ўсишини олди олинади ва энг асосийси сув сарфи бир неча баробарга камаяди.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигига 2018 йил холатига, қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотлар экспортини ошириш масалаларига бағишлиланган йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда қуйидаги асосий масалаларга тўхталиб ўтилди:

- сувни тежовчи технологияларни қўллаш хисобига 50-60 % сувни иқтисод қилиш мумкин. Биргина кўчма эгилувчан қувурлардан фойдаланиш сувни 10-15 %га, томчилатиб сугориш эса 35-65 фоизга тежаш имконини беради. Лекин шундай бўлсада, томчилатиб сугориш тизими жуда кам экин майдонларида жорий этилганлиги;

- йиғилишдан келиб чиқиб, 2019-2021йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этиш ва фермер хўжаликларининг пахта майдонларида томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш кўламини кенгайтириш зарурлиги такидланди.[4]

Бундан ташқари, Ўзбекистонда пахта хомашёсини етиширишда томчилатиб сугориш технологиясини кенг кўламда жорий қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хомашёсини етиширишда томчилатиб сугориш технологиясидан кенг кўламда фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4087 сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6-февралдаги “Пахта хомашёсини етиширувчиларининг томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 103-сонли қарорларига асосан, “Агробанк” АТВнинг 2019 йил 18-февралда “Пахта хомашёсини етиширувчи қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилишда тижорат кредитларини ажратиш, ажратилган кредитлар ва хисобланган фоизларни сўндирилиши тўғрисида”ги 13/2-сонли бошқарув қарори қабул қилинган.[4]

Демак, томчилатиб сугориш технологияси ҳар томонлама Ўзбекистон шароитида катта аҳамиятга эга. Чунки бир неча йиллардан буён телевидиния ва матбуотларда олимлар ва мутахассислар томонидан келажакда, сув захираси камайиб боради деган башпоратлар тўғри чиқса, у ҳолда сувни тежаш-бу мамлакат ўз келажагини таъминлашини англатади. Бундан келиб чиқадики, томчилатиб сугориш технологияси жуда кўп сувни тежайди. Шундай бўлсада, бу усулдан фойдаланиш ва жорий қилиш бир неча баробарга қимматга тушади, аммо фермер хўжаликлари бу сугориш усулини яхши ўрганиши ва қаерда, қанча фойда келтиришини билиши зарур.

Тадқиқот обьекти ва усуллари. Тадқиқот обьекти сифатида Фарғона вилояти Кува туманидаги боғ ва пахта майдонлари, тупроқ элементлари, ирригация тизимлари ва ернинг мелиоратив холатлари олинган. Шу билан бир қаторда сугориладиган ер майдонларини сугориш тизимини ҳамда мелиоратив холатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон шароитида қўлланилиб келинаётган бир нечта сугориш усулларидан томчилатиб сугориш технологиясини танлаб олинди. Бу усулни қўлланилиши ва қай даражада фойдали эканлиги ҳамда шароитдан келиб чиқсан холда, томчилатиб сугориш технологиясига Кува туманидаги боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг эътибори ва талабини кўриб ўрганиб чиқдик.[1]

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотни бошлангич маълумотларини Кува туманидаги боғ ва пахта дала майдонларида олдик. Туманнинг жами ер майдони 17155 гектарни ташкил этади. Шундан 15377 гектарини қишлоқ хўжалик экинлари ташкил қиласди. Бундан: 6570 гектарини пахта майдони, 5286 гектарини боғ майдонлари ва қолган гектарларни бошқа экин турлари ташкил қиласди. Лекин шундай бўлсада, боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ҳам пахталик йўналишидаги фермер хўжаликлари ҳам инновацион тартибдаги сугориш турларидан

фойдаланишмаган. Баъзи бирларида бор бироқ бу томчилатиб сугориш технологияси дея олмаймиз.

Агар томчилатиб сугориш технологиясини қийинчиликлар ва сарфларга қарамай рисоладагидек ишга тушириб олинса, ҳар томонлама барча экинлар учун фойдали бўлади. Демак бундан кўриниб турибдикি, асосий вазифа инфратузилмани йўлга қўйиш, хозирча томчилатиб сугориш технологияси учун керакли барча жихозлар билан таъминлаш учун шарт-шароитлар тўлиқ эмас. Шу кунда мамлакатимизда юмшоқ турдаги қувурлар ва қувурларнинг баъзи бир қисмлари ишлаб чиқарилмоқда аммо булар етарли эмас. Шу сабабли шу кунларда томчилатиб сугориш технологиясини бенуқсон тартибда ўрнатиш фермер хўжаликлари учун анча қимматга тушади. Агар пахта майдонига томчилатиб сугориш технологиясини жорий қиласидиган бўлса, сарф қилинган ҳаражатни пахта хошашёсидан тушган маблағ қопламаслиги турган гап. Бунинг учун нима қилиш керак деган саволга бир нечта омиллар билан жавоб бериш мумкин. Масалан, фермер хўжаликлари томчилатиб сугориш технологиясини қўллаган майдонида қилинган ишларга кетган сарф-ҳаражатни қоплайдиган бошқа экин тури экиши ёки яратилиб берилаётган шарт-шароитлардан фойдаланган ҳолда етиштирган маҳсулотини чет мамлакатга экспорт қилиш. Ёки томчилатиб сугориш технологиясини ташкил қилаётган фермер хўжаликларини технологияга сарф қилинадиган пул маблағларини Ўзбекистон ҳукумати молиялаши ҳам мумкин. Негаки сувни асраш-баъзида маҳсулот нархини қимматлашишидан кўра муҳимроқ вазифа хисобланади. Фермер хўжаликлари ҳамда дехқонлар бу тизимни тўла-тўкис ўзлаштириб олганларидан кейин эса, томчилатиб сугориш технологияси ортидан фойда кўра бошлашади. Яна шуни такидлаб ўтишимиз керакки, республикамида сув етказиб бериш технологиялари етишмаслигидан фойдаланилмай турган заҳира ер майдонлари катта гектарни ташкил қиласиди. Шунга кўра бизга томчилатиб сугориш технологияси жуда ҳам зарур, агар биз илмий жихатдан тасдиқланган ва шароитимизга тушадиган қулай технологияни ташкил қилиб олсақ, биринчи навбатта фойдаланилмай турган заҳира ер майдонларни фойдаланишга киритишга имкон туғилади. Юқоридаги омилларни эътиборга олган ҳолда, биз албатта томчилатиб сугориш тизимини йўлга қўйишимиш керак бўлади. Тўғри бу тизим бизга қимматга тушади. Бундан ташқари фермер хўжаликлари давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалик соҳасига яратиб берилаётган имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда керак бўлса, четдан инвестиция олиб кириш ҳаракатини қилиши, балки пахта ўрнига бошқа бир экин турини экиб, даромаб олиш хисобига сарф-ҳаражатини қоплаши ҳам мумкин. Бу ишларни амалга ошириш учун давлатимиз томонидан хеч қандай чекловлар ўрнатилгани йўқ.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ ва модернизация қилиш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ 2016-2018 йилларда 240 минг гектар майдонда пахта ва дон экинши қисқартириш хисобига экин майдонларида оптималлаштириш тадбирлари амалга оширилган. Ердан унумли фойдаланиш чора-тадбирларини кўриб боришимиз керак бўлади. Ушбу майдонларга жорий йилда юқори даромадли, экспортбоп экинлар, жумладан, 73,5 минг гектар сабзавот, 19 минг гектар картошка, 15,1 минг

гектар полиз экинлари, 15,7 минг гектар соя, 3 минг гектар шоли, 44,3 минг гектар озуқа экинлари экилган бўлса, бундан ташқари 23 минг гектар интенсив боғ, 8,3 минг гектар токзор ҳамда 600 гектар замонавий иссиқхоналар барпо этилди.

Худди шундай қўрсаткичларни 2018 йил ҳолатига кўриб чиқадик бўлсак, 2018 йилнинг ўзида республика бўйича 9,1 минг гектар интенсив боғ, 7,1 минг гектар токзорлар барпо этилган бўлса, 4,9 минг гектар боғ ва 2,4 минг гектар эски токзорлар янгиланди.

Шу ўринда инновацион технологияларни кенг жорий қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Томчилатиб сугорш технологиясидан фойдаланилганда ёқилғи-мойлаш технологияси 54 фоизга, минерал ўғитларни қўлланилиш даражаси 50 фоизга камайган. Ҳосилдорлик эса 45 сентнер ёки қарийб уч баробарга ошган. Инсоннинг қўл меҳнати камаяди, вақт тежалади ва албатта ўз ўрнида экинларни ўсиш даражаси уч баробарга ортади.

Демак, айтишимиз мумкинки, сугориш тизимида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли, етарли даражада экспортбоп даражада етиштириш ва жаҳон бозорига олиб чиқишимиз учун ирригация ва мелиорация тизимларини жаҳон стандартларида жорий қилишимиз керак бўлади. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун етарли даражада имконият ва шароитлар мавжуд. Энг асосийси биз биринчи қадамни қўйиб бўлганмиз фақат бу тизимни инновацион технологияларга суюнган ҳолда ривожлантирусак кифоя.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз фермер хўжаликлар ва дехқонлари ўз фаолиятини сугориш усуллари ва технологиялари даражасида, қайтадан фикр қилишлари ва шу ўринда сугоришнинг энг фойдалисини, жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган тизимларни жорий қилишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Қува туман “Томорқадан фойдаланиш илмий-тадқиқот маркази”нинг илмий тадқиқот ишлари наъмуналари ва томчилатиб сугориш технологияси.
2. X.X.Кимсанбоев, А.Й.Йўлдошев, М.М.Зоҳидов, К.Х.Халилов, И.Р.сиддиқов, Т.А.Қосимовлар. “Ўсимликларни кимёвий химоя қилиш” адабиёти. Ўқитувчи нашриёти 1997 йил. (10-15 б)
3. Фарғона давлат университети “Агросаноат мажмуасини комплекс ривожлантириш истиқболлари”. Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари (2009 йил 24-25 апрель)
4. интернет маълумотлари (Google.ru)
5. w.w.w.ziyonet.uz. (илмий ахборот бўлимидан)